

«STOMATOLOGIYA» - ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ “ХОЛАТИ ВА КЕЛГУСИ
РЕЖАЛАРИ



Нигматов Р.Н.

“Stomatologiya” журнали бош мухаррири

Ўзбекистон стоматологлар ассоциацияси аҳолига ўз вақтида юқори малакали тиббий стоматологик ёрдам кўрсатишга доир тадбирларни амалга ошириш ҳамда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Устав асосида амалга оширади.

Ассоциация фаолиятининг асосий мақсади – аҳолига ўз вақтида юқори малакали тиббий стоматологик ёрдам кўрсатишга доир тадбирларни амалга ошириш. Бунда:

- стоматологик касалликларнинг олдини олиш, уларнинг миқдорини кескин камайтириш ва аҳолини соғомлаштириш ишларида қатнашиш;

- стоматология соҳасидаги илмий ва амалий ишларни ривожлантириш;

- республика стоматологик даволаш муассасалари амалиётига мамлакатимиз ва жаҳон стоматология фани ҳамда амалиётининг энг охирги ютуқларини татбиқ этиш чораларини кўриш;

- аҳолига стоматологик ёрдам кўрсатишларининг асосий шакли ва усулларининг савиясини оширишга кўмаклашиш;

- стоматологик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган

усул ва манбаларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини белгилаш, амалиётда қўлланилиши учун тавсиялар ишлаб чиқиш, эскириб қолган ва ўзини оқламаган усулларни қўллашни тўхтатишда иштирок этиш;

- аҳолига стоматологик хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уни такомиллаштириш бўйича услубий қўлланмалар, брошюралар, рисолалар чоп этиш, тематик тасвирлар, видеофильмлар тайёрлаш ва уларни оммавийлаштириш;

- стоматология соҳаси бўйича ҳар хил ахборотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш ва кенг тарқатишни таъминлаш;

Ушбу масалаларни ва амалга оширишда стоматология соҳасини ўзида мужассамлаштирилган, унга қўйилган тадбирларни амалга ошириш учун **STOMATOLOGIYA** журнали катта ўрин тутди.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарорига мувофиқ «Stomatologiya» журналин оммавий ахборот воситаси сифатида 2007 йилда қайта рўйхатдан ўтказилган (15 август 2007 й. Гувоҳнома № 0289).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) қарорига асосан «Stomatologiya» журнали Фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган республика илмий журналлари рўйхатига

киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори билан тасдиқланган).

Муассис (учредитель) - Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси ҳисобланади. Ассоциация бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан муассис эмас.

«Stomatologiya» журнали соғлиқни сақлаш ташкилотчилари, амалий шифокор стоматологлар, стоматология соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий ходимлар, тиббиёт олий ўқув юртлири юқори босқич талабаларига, докторантларига, клиник ординатор ва магистрларига мўлжалланган журналдир.

ОАВ номи ва тури: “Stomatologiya” журнали.

ОАВ тили: ўзбек, рус, инглиз.

Нашр этилган йили – 1998 йилдан бошлаб

Ҳажми: 500-1000 нусхада, хар бири 80-100 бетдан, А-4 форматда.

ISSN руйхатга олиш рақами мавжуд: 2091 – 5845.


Журналнинг расмий веб сайти: WWW.stomjurnal.tibbiyot.com.

ДОИ рақами – мавжуд. У ВАКнинг – 2013 йил 30 декабрдан 201/3-сон қарори билан тасдиқланган

Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказилади.

Таҳририятнинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, 100048, Маҳтумқули кўчаси, 103-уй.

Журналнинг соҳалари – стоматология, тери талосил касалликлари, кўз касалликлари, томоқ-қулоқ-бурун касалликлари (ЛОР), нейрохирургия, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш, логопедия, рентгенология, анестезиология



Журнал Логотипи ва Гувохномаси

Ўзбекистон стоматологлар Ассоциациясида чоп этилаётган илмий-амалий журнал бўйича маълумот

| № | Муассасада чоп этиладиган журнал номи | Журналнинг ОАК рўйхати га кирганлиги | 2018-2020 йилларда ушбу журналда чоп этилган мақолалар сони | | |
|---|---------------------------------------|--------------------------------------|---|--|------------------------------|
| | | | Муассасада фаолият юритаётган ходимлар томонидан | Республикадаги бошқа муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар томонидан | Хорижий муаллифлар томонидан |
| | “Stomatologiya” | киритилган | | | |
| 1 | 2016 йил | + | 52 | 33 | 19 |

| | | | | | |
|---|----------|---|-----|-----|----|
| 2 | 2017 йил | + | 69 | 28 | 13 |
| 3 | 2018 йил | + | 67 | 24 | 15 |
| 4 | 2019 йил | + | 55 | 32 | 16 |
| 5 | 2020 йил | + | 65 | 47 | 14 |
| | ЖАМИ | | 308 | 164 | 77 |

“STOMATOLOGIYA” ЖУРНАЛИ ТАХРИРИЯТИНИНГ КЕЛГУСИ РЕЖАЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Аппарат Кенгаши йиғилишининг 23-сон баёни ижросини бажариш мақсадида “Stomatologiya” журналининг халқаро илмий техник маълумотлар базаси тизимларида индексация қилиш учун ҳаракатлар режаси ишлаб чиқиш.

2. “Stomatologiya” журналининг халқаро илмий техник маълумотлар базаси тизимларида индексация қилиш учун Google Scholar индекс базасига кириштириш режалаштирилган.

Google Scholar – барча форматлар ва фанларнинг илмий нашрларининг тўлиқ матнлари бўйича бепул қидирув тизими. Лоиха 2004 йил ноябрь ойидан бошлаб, дастлаб бета-версияда ишлаб келди. Google Scholar индекси Европа ва Американинг энг йирик илмий нашриётлари томонидан кўриб чиқилган онлайн журналларнинг кўпчилигидан маълумотларни ўз ичига олади.

3. Илмий техник ходимларни билимини ошириш ва уларни ўқитиш;

4. Tadqiqot.uz маълумотлари базаси тизимида индексация қилиш учун тасдиқланган намунавий журналларга мувофиқ тузилмаси ва таркибини мослаштириш ишларини олиб бориш;

5. Журналга топширилаётган илмий мақолаларни “кўчирмакашлик”ка қарши текшириш ишларини олиб бориш;

6. “Stomatologiya” журналининг 1998 йилдан то 2020 йиллар мобайнида чоп этилган нусхаларини электрон ва PDF шаклларида шакллантириш;

7. SCOPUS ва Science Direct халқаро маълумотлар базасидан унумли фойдаланган ҳолда илмий мақолалар чоп этишни амалиётда кенг тадбиқ этиш ва “Stomatologiya” журналининг иқтибослигини ошириш.

СОСТОЯНИЕ ЦЕМЕНТА ПРИ РЕЗОРБЦИИ АПИКАЛЬНОЙ ОБЛАСТИ ЗУБОВ С ДЕСТРУКТИВНЫМИ ФОРМАМИ ПЕРИОДОНТИТОВ В СТАДИИ ОБОСТРЕНИЯ



Глинкин В.В.

Государственная образовательная организация высшего профессионального образования «Донецкий национальный медицинский университет им. М. Горького», Украина

По разным данным, частота обращаемости больных в связи с необходимостью эндодонтического лечения зубов с болезнями периодонта не имеет тенденции к снижению [6]. В 6% случаев зубы удаляют из-за их некачественного или неэффективного лечения [3]. С гистологической точки зрения успешным лечение является лишь в 31-60% случаев [1]. Особую сложность представляет лечение хронических форм периодонтита в стадии обострения, так как это приводит к резорбции цемента корня. Фибробласты играют основную роль при заживлении ран, реконструируют внеклеточный матрикс (ЕСМ) и изменяют

структуру ткани, секретуют химические факторы и сигнальные молекулы. При этом новый матрикс может накапливать минеральные вещества и совершенствовать свою структуру на протяжении ряда лет [7]. ЕСМ составляет основу соединительной ткани, клетки которой образуют с веществами матрикса межклеточные контакты, которые могут выполнять сигнальные функции и участвовать в локомоции клеток [15]. Он обеспечивает механическую поддержку клеток и транспорт химических веществ, влияет на регенерацию цемента, мобилизует клетки-предшественники и регулирует образование